

Менинг холам АҚШда яшаб келдилар ва у ерда насроний динини қабул қилибдилар.

21:23 / 27.04.2016 4053

Менинг холам АҚШда яшаб келдилар ва у ерда насроний динини қабул қилибдилар. Келганларидан кейин барча қариндошларимизни насронийликка даъват қилдилар ва кўпчилик қариндошларимиз энди насронийлардир. Улар билан силаи раҳм қандай бўлади?

Бу савол энг оғир савол, энг мусибатли савол, энг қийин савол ҳисобланади. Чунки азал-азалдан қадимдан фақат мўминлиги, мусулмонлиги билан фаҳрланиб келган. Мўмин-мусулмонларни фаҳри бўлган, бир юрт ва бир қавм, бир халқни ичидан мана бундай ҳолатни чиқиб қолиши, бу ҳолатни тарқалиши, савол бўлиб берилиши катта бир мусибат ҳисобланади. Минг афсуслар бўлсинки бу мусибат бошимизга тушди. Ҳозирги кунда бундай саволлар тез-тез такрорланадиган бўлиб қолди. Албатта бу катта ор, номус, қайғу мусибат лекин буни муолажа қилиш керак. Ўша бошқа динга кириб кетаётганлар, насроний бўлаётганлар, кўпинча Исломдан беҳабар бўлганлигидан, ўша ўтган пайтидаги рухий бўшлик асосида қолиб, ҳеч нарсадан беҳабар қолганларидан сўнг уларга насронийлик таълимотлари гўзал бир тарзда талқин қилинганидан сўнг, уларни турли эҳтиёжларини қондиришни айнан шу нарсаларга боғлаб қўйилганидан сўнг вужудга келаётган кўнгилсиз бир ҳолат ҳисобланади. Албатта бунинг оқибатлари ниҳоятда оғир, ҳали биз кўриб эшитмаган кўпгина ноқулайликлар, кўпгина мусибатлар чиқиши бор нарса. Чунки бу бошқа халқлар тажрибасида бўлган катта мусибатлардан ҳисобланади. Шунинг учун ҳаммамиз Аллоҳдан сўраб дуо қилишимиз керакки, халқимизни бу офатдан Ўзи сақласин. Билиб билмасдан бошқа динга жумладан насронийликка кириб қолганлар ўзларини ўнглаб ҳақ дин бўлган, Аллоҳ олдида мақбул бўлишлиги ягона бўлган Исломга қайтишларини насиб қилган бўлсин. Қариндошлари насронийликка кириб қолган ушбу савол эгаларига ўхшаганлар эса сабр ва матонат билан қариндошларини ўша нотўғри йўлдан қайтариш, тўғри йўлга бошлаш учун ҳаракат қилсинлар. Бу ерда силаи раҳм тўғрисида сўралаяпти, албатта ана шу силаи раҳми Исломга қайтиш даъвати билан қўшиб қилсинлар. Насиҳат қилишда, уларга тўғри йўлга юмшоқлик билан чорлашда ҳеч эринмасинлар, ҳаракатда бўлсинлар. Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло барчаларимизни Ўзи тўғри йўлга бошласин, тўғри йўлдан адашиб

турли динларга жумладан насронийликка кириб кетганларни ҳам ҳидоятига олиб Ўз дини Иломга қйтишини таъминласин, ёрдамчи бўлсин. Бу саволни сўраган биродаримизни ҳам Аллоҳ таоло хайрликда, яхшиликда баодавом қилиб, қариндошларини Аллоҳнинг тавҳид дини Иломга қайтишига сабабчи бўладиган азизаларимиздан бўлшини насиб этсин.